



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Касби туман ҳокими

Т.А.Мейлиев

## БУЮРТМАЧИ:

Касби тумани ҳокимлиги маъмурий биносига 30кВт қувватдаги қуёш электр стансияси ўрнатиш

Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетнинг “III чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан” Касби тумани ҳокимлиги маъмурий биносига 30кВт қувватдаги қуёш электр стансияси ўрнатиш



“ТАСДИКЛАЙМАН:

Касби туман ҳокими

Т.А.Мейлиев

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 йил

Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетнинг “III чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан” Касби тумани ҳокимлиги маъмурий биносига 30кВт қувватдаги қуёш электр станцияси ўрнатиш бўйича

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Махсулот-ва хизмат номи	Туман ҳокимлиги маъмурий биносига 30кВт қувватдаги қуёш электр станцияси ўрнатиш
2	Буюрмачи	Касби туман ҳокимлиги
3	Буюртмачи учун асос	Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетнинг “III чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан” Касби тумани ҳокимлиги маъмурий биносига қуёш электр станцияси ўрнатиш
4	Иш хизматлари Бажариладиган манзил	Касби туман Мустақиллик кўчаси 1 уй
5	Катнашувчилар учун талаблар	Танлов ҳужжатларида кўрсатилган ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариб бериш
6	Тижорат таклифларини таклиф этиш шартлари	Хизмат курсатувчи корxonанинг низом, Гувоҳнома, солиқ ва мажбурий туловлардан қарзи йуклиги ва йирик солиқ туловчи эканлиги ҳақида маълумотнома, ишчилар руйхати, механизмлар руйхати олдин шу каби объектларда ишларни амалга оширганлиги тугрисида маълумот ёки тавсиянома, туман ҳокимлиги маъмурият томонидан тасдиқланган ишончнома.
7	Бажариладиган ишлар ҳисоб китоби	Бажариладиган ишлар бўйича ҳисоб китоблар тузилган Ф-2 га қараб ва далолатномага мос равишда амалга оширилади.
8	Иш хизмат тури	Тумани ҳокимлиги маъмурий биносига 30кВт қувватдаги тармоқ қуёш электр станцияси. Таркиби: Қуёш панелининг умумий қуввати 30 000Вт, Инверторнинг умумий қуввати 30кВт, Қуёш панелларини ўрнатиш учун металлқонструкция, кабель, шит ва бошқалар
9	Иш хизматларини бажариш муддати	Шартномага асосан. 5 иш куни
10	Техник меҳнат ҳафсизлигибўйича талаблар	Иш хизматларини бажариш жараёнида меҳнат ва техника ҳафсизлиги қойида ва талабларига риоя этиш.
11	Молиялаштириш манбаси	III чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан амалга оширилади.
12	Бажариладиган ишлар қиймати таклифи	330 000 000 (уч юз ўттиз миллион) сўм

Туман ҳокимининг ўринбосари:

Т.Турсунов

Бош мутахасис:

Ш.Зиётов

Бош мутахасиси:

Д.Ботиров

Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси:

Б.Ўринов

## Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-276-сонли қарори асосида ишлаб чиқилади.

#### 1. ТАНЛОВ ПЕРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Касби туман ҳокимлиги томонидан, Қашқадарё вилояти, Касби тумани, Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетнинг “III чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан” Касби тумани ҳокимлиги маъмурий биносига Таркиби: Қуёш панелининг умумий қуввати 30 000Вт, Инверторнинг умумий қуввати 30кВт, қуёш электр стансияси ўрнатиш учун малакали мутахасисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати 330 000 000 (уч юз ўттиз миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Ушбу танлов якунлари бўйича Ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Касби тумани ҳокимлиги (бундан кейин –“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: *Касби туман Муствақиллик кучаси 1 уй*

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан ўтказилган ва белгиланган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда булгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда Мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги.

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

- танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларининг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

- низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта таўкил этилиш, (ажратилиши, қўшилиш). Тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар: мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари-талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов твклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчиси) таклим этилиши ҳақида мурожаат қилишига ҳақдорлар.